

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Ташқи  
ишлар вазири ўринбосари

Э.Хамраев



2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Plesk Premium Email – 500 users корпоратив почтасини адмнистрация қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ  
БЎЙИЧА

ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

Тошкент - 2022

Энг яхши таклифларни танлаш тўғрисидаги маълумот

Энг яхши таклифларни танлаш моҳияти	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Plesk Premium Email – 500 users корпоратив почтасига администратсия қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича
Лот бўлиниши	Йўқ, лот бўлинмайди
Хариднинг режа жадвали	4 чорак 2022 й
Савдолар ўтказиладиган ой	октябрь 2022 й
Молиялаштириш манбан	бюджет маблағи ҳисобидан
Бошлангич нархи (25000 Б ХМ кам булмаслиги керак)	98 000 000 (Тўқсон саккиз миллион) сўм ҚҚС билан.
Тўлов шартлари	Аккредитив ёки етказиб бергандан сўнг, агар етказиб берувчи биринчи тоифали банк томонидан берилган бўнак тўловини қайтариш учун банк кафолатини тақдим этса, олдиндан тўлаш мумкин.
Тўлов муддати	Ҳар ойда, бажарилган ишни тасдиқловчи хужжат-АКТ ни тақдим этилгандан сўнг.
Тўлов валютаси	Сўм
Товар етказиб бериладиган (ишлар бажариладиган, хизматлар кўрсатиладиган) жой ва шартлар	Товар ёки маҳсулот етказиб бериш сотувчи ҳисобидан бўлади, техник вазифа асосида
Товар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддати)	Доимий, йил давомида.
Танлаш иштирокчиларига Қўйиладиган талаблар	Энг яхши таклифларни танлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шу каби ўхшаш етказиб беришларни амалга оширишда иштирок этиш тақиқланмаган, уларда иштирок этиш учун қўйиладиган шартларни бажарган, рақобатга асосланган харид қилинаётган тегишли товарни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар), шунингдек хорижий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишлари мумкин.
Таклифни расмийлаштириш шакли	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан
Таклифлар бериш муддати (камида 5 иш куни)	7 иш куни
Оферталарни очиш санаси ва вақти	
Масъул хизмат, боғланиладиган шахс, телефон, эл. почта	Муҳандис Ф.Иноятов, 90 9799613

## Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси учун йўриқнома

- 1. У мумий қоидалар**
  - 1.1 Ушбу харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари туғрисида»ги УРК|684-сон Қонуни (бундан буён - Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентга хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби туғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан утказилди, рўйхат рақами 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
  - 1.2 Бошланғич нархи ва валюта харид қилиш ҳужжатларининг энг яхши таклифларни танлаш туғрисида маълумотида кўрсатилган. Таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархидан ошмаслиги керак.
  - 1.3 Харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топширик [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) эълонида келтирилган.
- 2. Танлаш ташкилотчилари**
  - 2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён - Танлаш) Буюртмачиси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (бундан буён Буюртмачи) ҳисобланади. Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси 3-уй.
- 3. Танлаш иштирокчилари**
  - 3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларида катъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу ҳужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш ҳужжатларининг 4.2-бандида санаб утилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.
  - 3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга булишлари керак.
- 4. Танлаш ўтказиш тартиби**
  - 4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси Қонунчилик ва харид қилиш ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт.
  - 4.2 Куйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:
    - зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
    - қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
    - буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
    - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
    - солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни тулаш

буйича муддати утган карзларга эга бўлган;  
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ,  
кумитасининг 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-  
сонли ва 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сонли,  
Давлат божхона кумитаси ва Марказий банки  
Кенгашининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7 ва 2020  
йил 5 сентябрдаги 20/1-сонли, 01-02/19- 22, 7/4-  
сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан  
рўйхатдан утказилган ва 2020 йил 12 октябрда  
2467-3-сон билан узгартириш ва қушимча  
қилинган) қарорларига мувофиқ рўйхат буйича  
имтиёзли солиқ режимидаги молиявий  
операцияларни амалга оширишда маълумотларни  
ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда  
тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор  
ҳудудлар) иштирокчилар рўйхатдан утган ва банк  
хисобрақамлари бўлган;  
-харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб  
бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган;  
-таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи  
ва унинг аффилиланган шахси бир хил танлаш  
лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

4.3 Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчини харид  
қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан  
четлаштиришга ҳақли:

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат  
буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-  
харакатнинг содир этилишига, қарор қабул  
қилинишига ёки бирор- бир харид қилиш тартиб-  
таомилининг кулланилишига таъсир ўтказиш  
мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа  
давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ  
мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай  
шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш туғрисидаги таклифни  
ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки  
хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса,  
берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи Ўзбекистон Республикаси  
Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат  
устунлигига ёки манфаатлар тукнашувига эга бўлса.

**5. Танлаш тили, ўлчов  
бирликлари**

5.1 Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва  
Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча  
ёзишмалар ва ҳужжатлар, давлат тилида ва,  
заруриятга қараб, бошқа тилларда булиши керак.  
Таклиф унга рус ёки узбек тилидаги таржимаси  
илова қилинган ҳолда бошқа тилда булиши мумкин.  
Таклиф матнида номувофиқликлар юзага келганда,  
бирдан ортиқ тил ишлатилганда, узбек ёки рус  
тиллари устунлик қилади.

5.2 Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими  
кулланилиши керак.

- 6. Таклиф ва уни расмийлаштириш**
- 6.1 Махсус ахборот порталида (бундан буён - МАП) эълон қилинган танлаш шартлари буйича таклифни электрон шаклда юборадилар.
- 6.2 Танлаш иштирокчиси:  
- тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун жавобгардир;  
- фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли;  
- тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки узгартириш ҳукукига эга.
- 6.3 Таклиф ва барча ҳужжатлар электрон шаклда [etentder.uzex.uz](http://etentder.uzex.uz) МАПга тақдим этилади.
- 6.4 Таклиф [etentder.uzex.uz](http://etentder.uzex.uz) МАПда эълон қилинган пайтдан эътиборан лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.
- 6.5 Иштирокчиларнинг таклифлари амал қилиш муддати таклифни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида **30 кун** бўлиши керак.
- 7. Таклиф тақдим этиш муддатини узайтириш**
- 7.1 Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига уз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
- 7.2 Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш туғрисидаги эълон МАПда жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.
- 8. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш**
- 8.1 Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш ҳужжатларига узгартиришлар киритиш туғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.  
Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кундан кечиктирмай танлаш буйича харид қилиш ҳужжатларига узгартиришлар киритиш туғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини узгартиришга йул қуйилмайди.  
Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш туғрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.
- 9. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонлари**
- 9.1 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини куриб чиқиш ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати тугагандан бошлаб ун иш кунни мобайнида Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.
- 9.2 Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун

рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.

- 9.3 Рўйхат, шунингдек иштирокчи томонидан тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакллари харид қилиш ҳужжатларининг **1-иловасида** кўрсатилган.
- 9.4 Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақдидир.
- 9.5 Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz), эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.
- 9.6 Таклиф амалдаги Қонун ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, туғри расмийлаштирилган деб тан олинади.
- 9.7 Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги Қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.
- 9.8 Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай узгаришларга йул қуйилмайди.
- 9.9 Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари махсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси буйича ягона валютада ҳисобланади.
- 9.10 Харид қилиш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.11 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни куриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.
- 9.12 Танлаш шартлари турли валюталарда нархларни тақдим этишни назарда тутган ҳолларда, танлашда

хорижий ва маҳаллий иштирокчиларнинг нархларини туғри таккослаш, чет эл валютасидаги таклифларни туғри баҳолаш учун, чет эл валютасида таклифни берган иштирокчи сотиладиган товар (иш, хизмат) учун олинadиган барча турдаги солиқлар, йигимлар, мажбурий туловларнинг амалдаги ставкалари ва фоизларини тақдим этиши шарт. Иштирокчи ушбу банд буйича тақдим этилган маълумотларнинг туғрилиги ва туликлиги учун жавобгардир.

**10. Танлаш ғолибини аниқлаш**

10.1 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.

10.2 Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида муҳокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари буйича икки иш куни мобайнида танлаш иштирокчиларидан эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи уртасида шартнома тузилади.

Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни куриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан куриб чиқилмайди.

10.3 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш ҳуқуқига эга.

**11. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш**

11.1 Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида назарда тутилган махфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошқор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноҚонуний ҳаракатлар учун таклини урганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар буладилар.

11.2 Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар булади.

11.3 Танлаш иштирокчилари томонидан амалга оширилган Ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.

## 12. Бошқа шартлар

- 12.1 Харид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар буйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.
- 12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш буйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш ҳуқуқига эга.
- 12.3 Танлаш иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш ҳужжатларининг **2-иловасида** келтирилган шаклдаги харид қилиш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишга ҳақли.
- 12.4 Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини узгартирмаслиги керак.
- 12.5 Танлаш куйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин:
- танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;
  - агар таклифларни куриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.
- Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини МАПда эълон қилади.

## 13. Шартнома тузиш

- 13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади. Шу билан бирга, харид қилиш ҳужжатларига илова қилинган шартнома лойихаси ва шартнома тузилгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ва ушбу харид қилиш ҳужжатларига зид булмаган, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчи билан келишилган ҳолда, ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 13.2 Харид комиссиясининг қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчисига ғолиб аниқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида харид комиссиясининг қарори

туғрисида ёзма ҳабарнома юборилади. Буюртмачи ва танлов ғолиби, ғолиб эълон қилинган пайдан эътиборан **10 (ун) иш куни** ичида шартнома тузишлари лозим.

13.3 Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари буйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи заҳира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, заҳира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх буйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

13.4 Ғолиб томонидан шартномани кечиктириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (заҳирадаги - баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи куриб чиқилади.

Харид қилиш ҳужжатларига  
1-илова

Таклиф ҳужжатларн РЎЙЎАТИ

1. Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл).
2. Иштирочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар буйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи қафолат хат (2-шакл).
3. Коррупция кўринишларига йул қўйилмаслик бўйича ариза (3-шакл).
4. Ўҳшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот (4-шакл).
5. Таклифнинг техник қисми (5-шакл).
6. Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тулов шартлари туғрисида маълумот (6- шакл).

## Иштирокчининг фирма бланкида

№ \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**

## Танлаш иштирокчиси туғрисидаги умумий маълумот

1	Ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган холда юридик шахснинг тўлик номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхат ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тулиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йуналишлари	
7	Таъсисчилар <i>(тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиш зарур)</i>	

---

*(ваколатли шахснинг имзоси)*


---

*(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.ва лавозими)*

М.Ў.

Сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

Иштирокчининг фирма бланкида

№ \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси:  
(компания номи)

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тулик ижро этганлигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- 5) имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кузда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан утмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;
- б) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаланлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

Иштирокчининг фирма бланкида

№ \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**

Коррупция кўринишларига йул кўйилмаслик буйича  
АРИЗА

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси:  
(компания номи)

1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари туғрисидаги УРК-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини олганлигини;

2) Хар қандай ҳозирги ёки аввалги мансабдор шахсга ёки Буюртмачининг ёки бошка давлат органининг ходимига ишга ёллаш туғрисида ёки бирорта хатти-харакатни амалга оширишга таъсир кўрсатиш, давлат харидлари жараёнида Буюртмачининг бирорта харид тартиб-таомилларини кўллаш ёки қарор қабул қилиш мақсадида хизмат кўрсатиш ёки туғрисидаги таклиф, ҳар қандай шаклдаги рағбатлантирувни бевосита ёки билвосита таклиф қилмаслик ва бермаслик мажбуриятини ўзига олганлигини;

3) Коррупцияга қарши ҳаракатлар содир этмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олганлигига, шу жумладан аффилиланганлик ҳолатлари аниқланганда;

4) Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш буйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган таъсисчилар ва/ёки ходимлар ўртасида яқин қариндошлик алоқаларига эга эмаслигини;

5) Нархларни ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошка иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини;

6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;

7) сохта ёки калбаки ҳужжатларни тақдим этмаслигини, ушбу лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахсинг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

## Иштирокчининг фирма бланкида

№ \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**

Ухшаш товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибаси туғрисида  
маълумотлар

№	Товар (ишлар, хизматлар) моҳиятининг номи	Буюртмачининг номи	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

---

*(ваколатли шахснинг имзоси)*

---

*(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.ва лавозими)*

М.Ў.

Иштирокчининг фирма бланкида

## ТЕХНИК ТАКЛИФ

(танлаш предмети кўрсатилади)

### Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

\_\_\_\_\_ учун харид қилиш ҳужжатларини ва \_\_\_\_\_-сонли мурожаатларга ёзма жавобларни (ёзма сўровлар рақамларини ва уларга жавоб мавжуд бўлса, уларга жавоблар рақамларини кўрсатиши) ўрганиб, ушбу билан уларни олганлигимизни тасдиқлаб, биз, куйида имзолловчилар (танлаш иштирокчисининг тўлик; номи), \_\_\_\_\_ (товарлар, ишлар ва хизматлар номини кўрсатинг) таклиф қиламиз.

Ушбу техник таклифга тўлик риоя қилган ҳолда, танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома буйича хизмат кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

Ушбу таклифнинг қоидаларига ушбу лот учун харид қилиш ҳужжатларининг 6.5- бандига мувофиқ риоя қилишга розилик билдирамыз. Ушбу харид таклифи биз учун мажбурий булиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

**Шу билан бирга, биз Сизга \_\_\_\_\_варақларда биз таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) учун техник параметрларни юборамиз\*.**

---

(ваколатли шахснинг имзоси)

---

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.ва лавозими)

М.Ў.

*\*Буюртмачининг техник талаблари билан таъқослаш учун техник тавсифларни таъқдим этиш буйича мажбурий талаб.*

б-шакл

## Иштирокчининг фирма бланкида

### ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ, ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ТУҒРИСИДА МАЪЛУМОТ (танлаш моҳияти кўрсатилади)

*Сана: (таклифларни бериш санаси ёзилади).*

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачининг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиламиз (*товарлар (шлар, хизматлар)*) номи кўрсатилади:

Тўлов шартлари \_\_\_\_\_

Тўлов муддатлар \_\_\_\_\_

Товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш шартлари \_\_\_\_\_

Етказиб бериш муддатлари \_\_\_\_\_

Кафолат шартлари \_\_\_\_\_

Сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

**Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидалари  
маълумоти сўров шакли**

*Иштирокчи ташиқлот бланкида (агар мавжуд бўлса)*

Танлашниўтказиш бўйича  
харидкомиссияси

---

---

---

Сайтга [МАП ёки расмий сайт] жойлаштирилган, харид қилиш ҳужжатиغا аниқлик киритилишини сўраймиз [товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, бюджет буюртмачилари учун хизмат кўрсатиш]:

№ т/р	Харидқилиш ҳужжатлари бўлими	Харидқилиш ҳужжатиغا аниқлик киритиш керак бўлган банд	Харид қилиш ҳужжатиغا аниқлик киритиш учун сўров мазмуни
1	2	3	4

Ушбу сўров бўйича маълумотларни кўрсатилган манзилга юборинг (почта адреси, электрон почта манзили, факс рақами)

(сана, ой, йил)

(Сўровга имзо қўйган масъул шахсининг исми)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.